



20 20 у. « 9 » июль

№ К-336

«    »    20    г.

**Шеробод тумани “Наврўз” массиви “Гулистон” маҳалласи ҳудудидан туманда фаолият юритаётган “Sherobod Yoshlar Bog’i” ишлаб чиқариш кооперативига туманда кам таъминланган аҳоли даромадларини ошириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва экспорт қилиш мақсадида ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 18 июндаги 05-02/324-сон йиғилиш баёни ва Шеробод тумани ҳокимининг 2020 йил 19 майдаги 01-05/521-сон хатини кўриб чиқиб,

### **Қ А Р О Р    Қ И Л А М А Н:**

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 18 июндаги 05-02/324-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Шеробод тумани “Наврўз” массиви “Гулистон” маҳалласи ҳудудидан туманда фаолият юритаётган “Sherobod Yoshlar Bog’i” ишлаб чиқариш кооперативига туманда кам таъминланган аҳоли даромадларини ошириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва экспорт қилиш мақсадида туман ҳокимлиги захирасидаги 775қ-дала контуридаги тупроқ унумдорлиги 33 балл бонитетли жами 48,9 гектар, шундан 45,6 гектар суғориладиган экин ер, 1,0 гектар яйлов, 0,6 гектар ариқлар ва зовурлар, 0,1 гектар йўллар ва 1,6 гектар бошқа ер майдонлари доимий эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Шеробод тумани ҳокимлиги (А.Амиров) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

4. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Х.Саматов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



**Т.Боболов**